



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2022 - yil 21 - yanvar

5-6-0-F/22

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”нинг 9-банди ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти”га асосан, вилоят ҳокимлигининг марказий аппарати, шунингдек шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёнини ўтказиш мақсадида:

1. Вилоят ҳокимлигининг марказий аппарати, шунингдек шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни 2022 йилнинг 25 январидан 25 мартга қадар бўлган муддатда ўтказилсин.

2. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими (Д.Эрматов) уч кун муддатда коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига кўрсатма юборилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари, бўлим бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари кўрсатмада белгиланган муддатларда:

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиб, раҳбар ёки соҳа бўйича ўринбосар билан келишган ҳолда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат бўлимига марказий аппарат учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилишини;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқланишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими

(Д.Эрматов) коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш асосида:

вилоят ҳокимлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида вилоят ҳокимлигининг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини;

қолдиқ коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Усулбиётнинг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини;

вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиққа киритсин.

5. Ушбу фармойишда белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва тўлиқ бажарилишига, шунингдек зарур маълумот ва ахборотларни тақдим этилишига вилоят ҳокимлигининг соҳа бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov